



World Conference on Social Sciences, Law and Public Policy

Hosted Online from Toronto, Canada

Date: 26th June 2026

Website: <https://econferencia.com>

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ТЕЗИСИ СУҒУРТА СОҲАСИДА ANTI-FRAUD ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Содиқов Бехзоджон Абдисамадович
мустақил тадқиқодчи

Аннотация

Ушбу тезисда суғурта соҳасида Anti-Fraud тизимларини жорий этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари таҳлил қилинади. Суғурта товонини асоссиз олиш хавфини эрта аниқлашда риск индикаторлари, шубҳали суғурта талабларини қўшимча текшириш, ахборот алмашинуви ва автоматлаштирилган таҳлил воситаларидан фойдаланиш масалалари ёритилади. Anti-Fraud тизимида қонунийлик, мутаносиблик, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ва инсон назорати принципларини таъминлаш бўйича таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: суғурта, суғурта товони, Anti-Fraud, суғурта фирибгарлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, риск индикатори, шубҳали суғурта талаби, комплаенс, рақамли технологиялар.

Суғурта муносабатларининг барқарорлиги суғурта фондларидан қонуний ва мақсадли фойдаланишга бевосита боғлиқ. Суғурта ходисасини сохталаштириш, зарар миқдорини сунъий ошириш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ёки ҳужжатларни тақдим этиш орқали асоссиз тоvon олишга қаратилган ҳаракатлар суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигига ва ҳалол суғурта қилдирувчилар манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.



World Conference on Social Sciences, Law and Public Policy

Hosted Online from Toronto, Canada

Date: 26th June 2026

Website: <https://econferencia.com>

Мазкур хавфларга қарши самарали профилактика тизимини шакллантиришда Anti-Fraud механизмлари муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча, Anti-Fraud тизимини фақат махсус дастурий таъминот ёки фирибгарлик ҳолатини аниқлаш воситаси сифатида тушуниш етарли эмас. У ҳуқуқий, ташкилий, ахборот-таҳлилий, комплаенс ва технологик чораларни бирлаштирувчи комплекс ички назорат тизими сифатида шакллантирилиши лозим.

Суғурта ташкилотида Anti-Fraud тизимининг ҳуқуқий асослари ички норматив ҳужжатларда аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ. Уларда масъул тузилма ёки ходимнинг ваколатлари, риск индикаторлари, шубҳали даъволарни текшириш тартиби, қарорларни ҳужжатлаштириш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, ахборот хавфсизлиги ва ички аудит механизмлари назарда тутилиши мумкин.

Тадқиқот доирасида «риск индикатори» суғурта талаби ёки унга боғлиқ ҳолатда асоссиз товон олиш хавфи одатдагидан юқори бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи, текширилиши мумкин бўлган белги сифатида қаралади. Риск индикаторининг мавжудлиги шахсни ҳуқуқбузар деб ҳисоблаш учун етарли асос эмас. У қўшимча текширувни бошлашга хизмат қилувчи профилактик сигнал вазифасини бажариши лозим.

Шу асосда «шубҳали суғурта талаби» тушунчасини бир ёки бир нечта аҳамиятли риск индикатори аниқланганлиги сабабли қўшимча текширувни талаб этадиган суғурта товони тўғрисидаги мурожаат сифатида белгилаш таклиф этилади. Бундай мақом суғурта товонини автоматик рад этишга олиб келмаслиги керак.

Юқорида қайд қилинган асоссиз суғурта товони талабларини олдини олиш, яъни профилактика чора тадбирлари учун «риск индикатори — верификация — далил — ҳуқуқий баҳолаш — қарор» алгоритми таклиф



World Conference on Social Sciences, Law and Public Policy

Hosted Online from Toronto, Canada

Date: 26th June 2026

Website: <https://econferencia.com>

этилади. Мазкур ёндашув профилактик шубҳа билан юридик жиҳатдан исботланган ҳуқуқбузарлик ўртасидаги чегарани сақлаш имконини беради. Anti-Fraud тизимларининг яна бир муҳим йўналиши ахборот алмашинувидир. Такрорий даъволар ёки ўзаро боғлиқ схемалар бир ташкилот маълумотлари доирасида аниқланмаслиги мумкин. Бироқ маълумотлар алмашинуви шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлиги, мақсадлилиқ ва ваколат доираси принципларига қатъий мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект катта ҳажмдаги суғурта маълумотларини таҳлил қилиш орқали ғайриоддий боғлиқликларни аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга, автоматлаштирилган риск баҳоси шахс учун салбий ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи якуний қарорнинг ягона асоси бўлмаслиги лозим. Юқори риск баҳоси берилган ҳолатлар инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши ва якуний қарор мустақил ҳуқуқий асослар билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, суғурта ташкилотлари учун рискка асосланган Anti-Fraud тизимининг минимал стандартларини ишлаб чиқиш истиқболли йўналиш ҳисобланади. У фирибгарлик рискларини даврий баҳолаш, динамик риск индикаторлари реестри, шубҳали даъволарни текшириш процедураси, ходимларни ўқитиш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, ички хабар бериш каналлари, маълумотлар хавфсизлиги ва аудит механизмларини қамраб олиши мумкин.

Бундай тизимнинг асосий мақсади суғурта товонини тўлашни сунъий равишда қийинлаштириш эмас, балки асоссиз талабларни эрта аниқлаш билан бир вақтда ҳалол суғурта қилдирувчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиши керак.



World Conference on Social Sciences, Law and Public Policy

Hosted Online from Toronto, Canada

Date: 26th June 2026

Website: <https://econferencia.com>

Хулоса қилиб айтганди суғурта соҳасида Anti-Fraud тизимларини жорий этиш ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг муҳим йўналиши бўлиб, унинг самарадорлиги технологик имкониятлар билан бир қаторда аниқ ҳуқуқий кафолатларга ҳам эга бўлиши билан аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар илгари сурилади: суғурта ташкилотларида минимал Anti-Fraud стандартларини шакллантириш; риск индикаторларининг профилактик ҳуқуқий мақомини белгилаш; шубҳали суғурта талаби учун қўшимча текширув процедурасини ишлаб чиқиш; «индикатор — верификация — далил — ҳуқуқий баҳолаш — қарор» алгоритминини қўллаш; ахборот алмашинувида шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш; автоматлаштирилган риск баҳолаш устидан инсон назоратини сақлаш.

Ушбу чоралар суғурта ташкилотларида ҳуқуқбузарлик хавфини эрта аниқлаш, асоссиз товон тўловларини камайтириш ва суғурта муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ўртасида адолатли мувозанатни таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни.
4. Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари.
5. Суғурта фирибгарлиги ва Anti-Fraud тизимлари бўйича миллий ва хорижий илмий адабиётлар.